

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матн билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.

Конституцияга киритилган айрим тузатишлар кучга кирди

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонун (6.04.2017 йилдаги УРҚ-426-сон) қабул қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгаш судьялар ҳам-жамиятининг органи ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принциплари риоя этилишини таъминлашга қўмаклашади (21.02.2017 йилдаги ПФ-4966-сон).

Асосий Қонунда белгиланишича, Президент тақдимига биноан Сенат томонидан Судьялар олий кенгашининг раиси тайинланади. Янги орган раиси-га Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Кенгашнинг қолган аъзолари Президент томонидан тасдиқланади.

Судьялар олий кенгашининг асосий ваколатларидан бири ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари ва судьяларини Президент билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлашдан иборат.

Тегишсинча, судьяларни тайинлаш тартибига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Энди бу қуйдагича амалга оширилади:

➤ Конституциявий суд ва Олий суднинг бутун таркиби Президентнинг тақдимига биноан Сенат томонидан сайланади;

➤ вилоятлар ва Тошкент шаҳри судларининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари, Ҳарбий суд раиси Судьялар олий кенгаши тақдимига биноан Президент томонидан тайинланади;

ИИВда кенг миқёсли ислохотлар амалга оширилади

Президентнинг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (10.04.2017 йилдаги ПФ-5005-сон) билан ИИО фаолиятидаги мавжуд камчилик ва муаммолардан келиб чиқиб тизимни ислох қилиш вазифалари белгиланди.

Ваколатли органларга ҳисобот

2017 йил 1 октябрдан ИИО раҳбарларининг тегишли ваколатли органларга ҳисоботлари эшитилади:

Олий Мажлиси Сенати томонидан ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликлари олдидан олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи (1 йилда 2 марта);

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари томонидан тегишсинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ бошлиқларининг ҳисоботлари (ҳар чоракда);

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ТИИБ (ШИИБ) бошлиқларининг ҳисоботлари (ҳар чоракда) ҳамда уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиқларининг ҳисоботлари (ҳар ойда).

Ҳисоботлар эшитилаётганда улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши юзасидан қўрилаётган чоралар ва ишлар натижаси танқидий муҳока-

ма қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилади, шунингдек ходимларнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади.

Тузилмавий ўзгаришлар

Қуйидагилар:

Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси негизда — Жиноят қидирув бош бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси;

Эксперт-криминалистика маркази ва Эксперт-портлатиш техникаси маркази негизда — Эксперт-криминалистика бош маркази;

Молия-иқтисодиёт бошқармаси, Моддий-техника таъминоти бошқармаси, Хўжалик бошқармаси, Капитал қурилиш бошқармаси негизда — Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси;

Ташкилий-инспекторлик бошқармасининг Халқаро ҳамкорлик бўлими ҳамда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик бўлими негизда — Халқаро ҳамкорлик бошқармаси ташкил этилади.

Қуйидагилар:

Тергов бош бошқармаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаментига;

Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати Кадрлар бош бошқармасига;

Ташкилий-инспекторлик бошқармаси Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармасига;

Хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бошқармаси Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бош бошқармасига;

➤ Қорақалпоғистон Республикаси барча судларининг судьялари номзодларни Судьялар олий кенгаши тақдим этиши билан Жўқорғи Кенгес томонидан тайинланади (Ўзбекистон Конституциясида ва «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонунда номзодларни Президент билан келишиш тўғрисида сўз юритилмаган, бу масала Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ва «Судлар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш чоғида ҳал этилиши мумкин, улар бўйича ҳозирда бундай келишув бўлиши шарт);

➤ қолган барча судьялар, шу жумладан туманлараро, туман ва шаҳар судлари раислари Президент билан келишган ҳолда Судьялар олий кенгаши томонидан тайинланади (изоҳ: судьяларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги норма конституциявий аҳамиятини йўқотди — Асосий Қонундан чиқарилди ҳамда «Судлар тўғрисида»ги ва «Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги қонунларга киритилди).

Конституциядан судьяларнинг ваколат муддатлари тўғрисидаги нормалар чиқариб ташланди. Судлар тизимига ҳам ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судини ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини бирлаштириш, маъмурий ҳамда иқтисодий судларни ташкил этиш тўғрисидаги қоидалар 2017 йил 1 июндан эътиборан амалга киритилади.

Ҳужжатнинг қолган қисмлари «Халқ сўзи» газетасининг 7.04.2017 йилдаги 69-сонидан расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция Ўз хавфсизлиги бошқармасига;

Котибият Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармасига;

Алоқа бўлими Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармасига;

Транспортдаги ички ишлар бошқармаси ИИВнинг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасига, тармоқ ички ишлар бошқармалари (бўлимлари, бўлинмалари) транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимига;

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти Ҳарбий-техника институтига;

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби Ёнғин хавфсизлиги институтига;

сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларига ўзгартирилади.

Шунингдек тузилмада ТИИБ (ШИИБ) бошлиқининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиғи лавозими жорий этилди ва у профилактика инспекторлари ишини, авваламбор, вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишни самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун жавобгар бўлади.

Тизимни ислох қилиш дастури тасдиқланди
Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислох қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастурига қуйидаги устувор йўналишлар киритилди:

➤ ИИО фаолиятини такомиллаштириш, вазифа ва функцияларини мақбуллаштириш бўйича институционал ўзгаришлар;

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Энди пенсияни
Халқ банки беради

Қайси ишловчи пенсионерларнинг
100 фоиз пенсияси сақланди

8-БЕТ

Иш вақтидан ташқари ишни расмийлаштириш
ва унга ҳақ тўлаш жиҳатлари

2-бетда



Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



➤ ИИО фаолиятини очиқ ва ошқора, шунингдек фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этиш;

➤ кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илғор механизмларини жорий этиш, уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий ғазилатларини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

➤ ИИО фаолиятига замонавий АКТларни жорий этиш;

➤ ИИОнинг моддий-техника базаси, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уй-жой-маиший шароитларини янада яхшилаш.

Қабул қилинган Дастурни амалга ошириш Махсус комиссияга топширилди, бунда Дастурга киритилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши юзасидан масъулият тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига юкланди.

1.01.2025 йилга қадар мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган ва Дастур тадбирларини амалга ошириш учун Ҳукумат томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, техника, алоқа тизими ва воситалари, дастурий таъминот маҳсулотлари ҳамда бошқа моддий-техник восита ва ресурслар **божхона тўловларидан** (божхона расмийлаштирувлари учун йиғимлардан ташқари) **озод этилди**.

Хусусий тиббиёт клиникалари 5 йилга барча солиқлардан озод қилинади

Президентнинг 1.04.2017 йилдаги ПҚ-2863-сон қарори билан соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари маъқулланди.

Ривожлантиришнинг умумий йўналишлари қабул қилинди

Ҳужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

➤ Тиббий фаолиятнинг аҳоли ҳаёти, саломатлиги ва санитария-эпидемиологик ҳолатига катта хавф туғдириши мумкин бўлган ва хусусий тиббиёт муассасалари учун тақиқланган айрим турлари рўйхати;

➤ соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантиришнинг асосий вазифа ва йўналишларига мувофиқ ишлаб чиқилган Хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари дастури.

Хусусий тиббиёт муассасалари учун рухсат этилган тиббий фаолият турларини, жумладан кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, микрожарроҳлик, онкология, эндокринология, кардиология, қон-томир, торакал ва абдоминал жарроҳлик, урология ва тиббий фаолиятнинг бошқа турларини қўшган ҳолда тубдан кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бу аҳолининг ҳаёти, саломатлиги ва санитария-эпидемиологик ҳолатига катта хавф туғдириши мумкин бўлган турларига тааллуқли эмас. Бунда хусусий тиббиёт муассасаларида ташхис қўйиш ва даволаш, айниқса, жарроҳлик амалиётини ўтказиш билан боғлиқ ҳолларда янги юқори технологияли усулларни жорий этиш фақат тегишли тиббиёт ускуналари, юқори малакали тиббиёт ходимлари мавжуд бўлганда ва санитария норма ҳамда қоидаларига қатъий риоя этилгандагина рухсат этилади.

Тиббий хизматларнинг хусусий секторини рағбатлаштириш чора-тадбирлар тасдиқланди

Биринчидан, 2017 йил 1 майдан соғлиқни сақлаш соҳасида кичик корхоналар ходимлари йиллик ўртача чекланган сони 100 кишигача оширилади.

Иккинчидан, фойдаланилмаётган бинолар, объект ва хоналар, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида тугатилмаётган муассасаларнинг давлат мулки бўлган объектлари аҳолига тиббий хизматлар кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларига «ноль» қиймати бўйича белгиланган тартибда сотилади, бунда янги мулкдорлар инвестиция киритиш ва ижтимоий мажбуриятларни зиммасига оладилар.

Учинчидан, «Ўзмед-лизинг» ихтисослаштирилган лизинг компанияси устав капиталини кўпайтириш орқали, жумладан, хорижий инвесторлар маблағларини жалб этиш ҳисобидан тиббиёт муассасалари учун замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар харид қилиш ва уларга лизингга бериш ҳажми кенгайтирилади.

Солиқ, божхона имтиёзлари берилди

Аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатадиган (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) хусусий тиббиёт муассасалари, жумладан, хорижий инвесторлар иштирокидаги хусусий тиббиёт муассасалари 2022 йилнинг 1 январигача қуйидаги тўловлардан озод этилади:

барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан, бунда бўшаган маблағлар хусусий тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий, муҳандислик-техник

ускуналари билан жиҳозлаш, уларга сервис-техник хизмат кўрсатиш, тиббиёт мақсадлари учун эҳтиёт қисмлар, материаллар, инвентарь ва бошқа буюмлар харид қилиш, тиббий хизматлар кўрсатиш учун янги бино ва иншоотлар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатишга йўналтирилади;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ва материаллари учун **божхона тўловларидан** (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно).

Бундан ташқари, қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида ташкил этиладиган янги микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ЯСТдан озод этилади.

Хорижлик мутахассислар солиқлардан озод қилинди

Хусусий тиббиёт муассасаларида ишлаш учун жалб этиладиган хорижий шифокорлар ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатадиган техник мутахассислар тузилган меҳнат шартномалари доирасида олинадиган даромадлар бўйича ЖШДСни тўлашдан озод этилади. Шунингдек мазкур даромадлардан ЯИТ тўланмайди.

Хусусий тиббиёт муассасаларининг хорижлик ходимлари бошқарув персонали сифатидаги фаолиятдан оладиган даромадлари ЖШДСдан озод этилади.

Ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентларга тўплаган балларининг ярми қўшиб берилади

Президентнинг 4.04.2017 йилдаги ПҚ-2867-сон қарори билан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар жумласидан бўлган мамлакатимиз олий ўқув юр்தларининг абитуриентлари учун имтиёзлар миқдорига тузатишлар киритилди.



Эслатиб ўтамиз, Қулолли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқароларга барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаерлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига киришда имтиёзлар тақдим этилади.

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб абитуриентлар томонидан тест синовлари натижаларига қўра тўплаган балларининг 50%и миқдорига (илгари — энг юқори миқдордан 27% эди) қўшимча балл қўшилади.

Шу тариқа, тест синовларининг барча саволларига тўғри жавоб берган имтиёзга эга абитуриент илгари 288 балл тўпплар эди, энди эса 340,2 баллни тўппай олади.

Қуйидаги ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилди:

➤ Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Қулолли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (31.05.2012 йилдаги ПҚ-1765-сон);

➤ Ўзбекистон Республикаси Қулолли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисида низоом (11.07.2012 йилдаги 205-сон ВМҚ билан тасдиқланган);

➤ Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисида низоом (3.06.2014 йилдаги 141-сон ВМҚ билан тасдиқланган).

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

— Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
— Валюталар курси **1-2, 7-бетлар**


• ПЕНСИЯ ИШИ

— Пенсия учун — фуқаролар йиғинига
— Айбдорларни қаердан излайлик?
— Пенсияни сақлаб қолмоқчиман
— Бажариб бўлмайдиган талаб
— Хорижда ишлаган пайтим ҳисобга олинандими?

— Ишловчилар тоифасига қиради
— Барча турдаги пенсиялар учун тартиб
— Пенсия жамғармаси хабар қилади
— Зарарланган зонада
— Ўзингизни текширинг **3-6-бетлар**

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

— Меҳнат дафтарчаларидан фойдаланганлик ҳақида ҳисобот беринг
— Нормадан ортиқ иш **8-бет**



ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Сиз пенсияга чиқдингиз. Пенсия учун ҳужжатларни расмийлаштириш ташвишлари ортада қолди. Бироқ бундан кейин ҳам янгиликлардан бохабар бўлиб турмоққиз. Сабаби пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қўпчилик учун қизиқарли ўзгаришлар киритилмоқда. «Норма маслаҳатчи»ни ўқисангиз, ушбу саволларга жавоб топасиз: энди қаердан пенсия олиш мумкин? Пенсия оилавий корхона муассиси бўлгани ўринлими? ПЖнинг янги интерактив хизмати қандай қулайлик яратади, ундан қандай фойдаланиш мумкин?

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетанинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

Қонунчиликдаги янгилик

Пенсия учун – фуқаролар йиғинига

Президентнинг «Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (13.03.2017 йилдаги ПҚ-2826-сон) мувофиқ республиканинг барча ҳудудларида пенсиялар ва нафақаларни тўлаш бўйича акциядорлик-тижорат Халқ банки ягона ваколатли банк ҳисобланади.

2017 йилнинг июлига қадар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан молияланадиган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловларни нақд шаклда тўлаш «Ўзбекистон почтаси» АЖдан Халқ банки бўлинмаларига босқичма-босқич ўтказилади. Янги механизм Президентнинг «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори (2.02.2017 йилдаги ПҚ-2753-сон) ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаши лозим.

Худудий ижроия органлари пенсиялар ва нафақаларни нақд пулда бериш бўйича махсус кассалар ишини ташкил этиш учун

фуқаролар йиғинлари биноларида ва пенсиядорларнинг маблағларни олиши учун қулай бўлган бошқа маъмурий биноларда банк бўлинмаларини алоҳида хоналар билан таъминлаши лозим. Бунда мустақил ҳаракатланиш ҳамда уларни махсус кассалардан олиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга пенсиялар ва нафақалар Халқ банки томонидан бевосита улар яшайдиган жойга етказиб берилади.

Марказий банк томонидан Халқ банки буюртманомаларига мувофиқ пенсиялар ва нафақалар ўз вақтида ва узлуқсиз берилиши учун нақд пул маблағлари билан зарур ҳажмда таъминланади. Бунда барча тўловлар ҳар ойнинг 27-кунига тугалланиши лозим. Халқ банки

БУГУНГИ СОНДА:

АЙБДОРЛАРНИ
ҚАЕРДАН
ИЗЛАЙЛИК?

Яна ортиқча
тўловлар ҳақида

2

БАЖАРИБ
БЎЛМАЙДИГАН
ТАЛАБ

Мавжуд бўлмаган
маълумотнома
ҳақида

4

ПЕНСИЯ
ЖАМҒАРМАСИ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Замон билан
ҳамнафас

6

ЎЗИНГИЗНИ
ТЕКШИРИНГ

Ақл машқлари

8

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

кассирлар ва назоратчилар сони кўпайишини, марказий аппаратда ва филиаллардаги мутахассисларнинг зарур сони бутланишини таъминлайди. Инвентарь ва компьютер техникаси сотиб олинади. Нақд маблағларнинг махсус кассаларга етказиб берилишини ташкил этиш учун 590 та «Дамас» маркали инкассаторлик машиналари сотиб олинади. Марказий банк билан ҳамкорликда Ҳалқ банкнинг ўз инкассация хизмати ташкил этилади.

Расмий жавоб

Айбдорларни қаердан излайлик?

? Онам 1999 йилда тиббиёт ходими сифатида имтиёзли пенсияга чиққан. Умумий иш стажы – 41 йил, пенсияга чиқишига қадар стажы – 32 йил. Ўтган йили унинг пенсиясини камайтирдилар ва 3 726 000 сўм тўлаш мажбуриятини юкладилар. Пенсия жамғармасининг туман бўлимига расмий сўровимизга қуйдагича жавоб олди: «Пенсияни қайта кўриб чиқишда... Қонунга шарҳ ва Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилмаган бошқа услубий кўрсатмаларга асосланган».

Пенсия жамғармаси туман бўлимининг пенсияни қисқартириш бўйича хатти-ҳаракатлари тўғрисида?

А.Шейнов.
Тошкент ш.

– «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун 12-моддасининг 2011 йил 1 январгача амал қилган «л» бандига мувофиқ, шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар махсус иш стажы қишлоқ жойда камида 25 йил ва **шаҳарларда** камида **30 йил** бўлган тақдирда (ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 3-сон Рўйхатнинг VIII қисми) умумбелгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганлар (Қонуннинг 7-моддаси).

Қонуннинг 47-моддаси «а» бандига белгиланганидек, ёшга доир пенсиялар умрбод тайинланади. Яъни уларни тайинлаш **шартлари қайта кўриб чиқилмайди**.

Бироқ пенсияни қайта ҳисоблаш:

➤ пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинлашишигача бўлган иш стажы ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда;

➤ ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

➤ боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

➤ энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда;

➤ даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади (Қонуннинг 49-моддаси).

Юқоридагилардан кўриниб турганидек, пенсияни қайта ҳисоблаш ҳоллари рўйхатида пенсионер ёшга доир пенсияга чиқиш учун умумбелгиланган ёшга ёки 54 ёшга тўлгани муносабати билан ёшга доир имтиёзли пенсияни қайта ҳисоблаш тартиби назарда тутилмаган.

Онангизга умумбелгиланган пенсия ёшига (55 ёшга) тўлганидан кейин ёки 54 ёшда талаб этиладиган стажы нотўғри белгиланган кўринадилар. 30 йил ўрнига умумий асосларга кўра ёшга доир ёки 54 ёшдан пенсияни тайинлаш учун аёлларга етарли стаж сифатида 20 йилни кўрсатгандирлар.

Пенсия жамғармаси Ҳалқ банки билан биргаликда пенсия ва бошқа тўловларни олаётганларга СМС орқали хабардор қилишни жорий этган ҳолда аҳолига пенсиялар ва нафақалар тўлашни он-лайн режимида ҳисобга олиш ва назорат қилишни автоматлаштириш мақсадида тегишли маълумотлар базалари интеграция қилинишини таъминлайди.

Натижада пенсияни тайинлаш учун талаб этиладиган йиллар орасида фарқ юзага келган (30 – 20 = 10), бу пенсиянинг таянч миқдори 10%га ошишига олиб келган (Қонуннинг 26-моддаси): талаб этиладиганидан ортиқча иш стажынинг ҳар бир тўлиқ йили (30 ёки 20 йил) учун 1%га оширилади (Қонуннинг 27-моддаси).

Бу хато текширув натижасида аниқланган ва Пенсия жамғармаси бўлими ҳақиқатда талаб этиладиган иш стажыни 30 йил этиб белгилаб, пенсияни қайта ҳисоблаган. Тегишсинча, пенсия миқдори пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 10%ига камайган. Ортиқча тўланган сумма эса ўшлаб қолиниши лозим.

Пенсиялардан чеғирмалар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг қарорларига биноан **пенсионерга** унинг томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри

Маълумот учун!

Бошқа оила аъзоларига (васийлиги остидагига) боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи **ИШЛОВЧИ** фуқароларга (васийларга) **ПЕНСИЯ ТЎЛИҚ МИҚДОРДА** тўланади.

Маевуевий сонни мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

хужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидagi ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда қилиниши мумкин (Қонуннинг 65-моддаси «б» банди).

Техник хато деб дастурий таъминотга маълумотларни нотўғри киритиш билан боғлиқ хато эътироф

этилади. Бундай хато деб, шунингдек пенсия таъминотида оид имтиёзларни қўллашда нотўғри шарҳлаш (усулбий китоб, қўлланма ва кўрсатма хатлар фойдаланган ҳолда), пенсия ҳисоблаш учун қўлланиладиган иш ҳақини қайта ҳисоблашда коэффициентларни нотўғри танлаш, пенсия ва нафақаларни ҳисоблаш учун бошланғич маълумотларни нотўғри кўрсатиш, пенсия ва нафақаларни икки мартаба ўтказиб юбориш, бир давр учун бир нечта асосларга кўра тўлашни

амалга ошириш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳисоб-китоб қоидаларида риоя этмаслик ҳам тушунилади (АВ томонидан 26.10.2016 йилда 2835-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Шуни ҳисобга олган ҳолда Пенсия жамғармаси бўлими ўз қарорлари асосида ортиқча тўланган суммаларни ушлаб қолишга ҳақли, сабаби юқорида тилга олинган пенсияни ҳисоблаш (қайта ҳисоблаш) чоғида техник хатого йўл қўйилган.

Пенсияни сақлаб қолмоқчиман

? Мамлакатимизда улкан тажрибага эга бўлган пенсионерлар кўп, улар ўз билимларини ёш мутахассислар билан баҳам кўришлари мумкин, бунга куч ва соғлиқлари етарли, асосийси эса – уларда жамиятга наф келтириш истаги бор. Бироқ пенсиянинг 50%и ушлаб қолиниши сабабли уйда ўтиришга ва ишламасликка мажбурлар. Яқинда Президентимиз маърузасида Ҳукуматимиз пенсионерларни қўллаб-қувватлаётганлиги ҳақида гапирди.

Ишловчи пенсионерлар 100% пенсия ва тўлиқ иш ҳақини олиши хусусида қонунчиликка ўзгартиришлар киритилдими? Агар киритилмаган бўлса, бу масала қачон ҳал этилади?

Т.Т.

– Сўнгги вақтда Президентнинг ишловчи пенсионерларга пенсия тўланишини тартибга солувчи 3 та фармони^{*} қабул қилинди. Чунончи, мазкур ҳужжатларга мувофиқ:

○ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари раисларининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари;

○ пенсионерлар – Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий аппарати ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) бўлиmlарининг ходимлари тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқини олдилар.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб қуйидаги пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси, олий ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчилари ва илмий ходимлари;

ҳарбий-академик лицейлар раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва ўқитувчилари, шунингдек республика академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг бошланғич ҳарбий тайёрларлик бўйича раҳбарлари;

ҳарбий-саноат комплексининг таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари жумласига кирадиган мутахассислари сифатида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ҳарбий хизматчиларига;

б) ИИБ, ФВБ, МХХ ва ДБҚнинг:

Миллий хавфсизлик хизмати институти, Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Махсус тайёрларлик ўқув маркази,

Радиоэлектрон тизимлар ва ахборот технологиялари маркази, шунингдек Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти, аҳоли ва раҳбар ходимларни тайёрлаш ҳудудий марказлари ва бошқа олий ҳарбий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва илмий ходимлари;

республика академик лицейлари ва касб-ҳунар коллежлари маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари ва тарбиячилари;

ҳарбий-саноат комплексининг таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари жумласига кирадиган мутахассислари сифатида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ҳарбий хизматчилари ва ходимларига.

Пенсияларни тўлаш тўлиқ миқдорда, агар юқорида кўрсатиб ўтилган фаолият ҳарбий пенсионернинг ягона иш жойи бўлган тақдирда амалга оширилади.

^{*}«Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (28.12.2016 йилдаги ПФ-4906-сон); «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (3.02.2017 йилдаги ПФ-4944-сон); «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари пенсионерларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (17.02.2017 йилдаги ПФ-4960-сон).

Бажариб бўлмайдиган талаб

? Пенсия учун ҳужжатларни расмийлаштираётганимда Пенсия жамғармасидагилар мен тақдим эта олмайдиган ФХДЭ маълумотномасини сўрадилар. Гап шундаки, ҳужжатларимда декрет таътили ҳақида ёзув бор. Бироқ, афсуски, болам туғруқ пайтида ўлган. ФХДЭда туғилганлик ёки ўлим тўғрисида ҳеч қандай ёзув қайд этилмаган. Пенсия жамғармаси ходимлари мендан ушбу маълумотномани талаб қилишлари тўғрими, бу ҳолда нима қилсам бўлади?

Наталья И.
Тошкент ш.

— Пенсия жамғармаси бўлимлари умумий иш стажини ҳисоблашда инobatга олинадиган болалар 2 (3) ёшга тўлгунча қадар уларни парваришlash таътилларида бўлган даврни аниқlash учун бола туғилганлиги тўғрисидаги ФХДЭ маълумотномасини талаб қиладилар.

Мазкур ҳолда Пенсия жамғармаси бўлимида бола туғруқ пайтида ўлганлиги муносабати билан у 2 ёшга тўлгунча болани парваришlash таътилида бўлмаганлигини ҳақида ариза ёзишингиз зарур.

Хорижда ишлаган пайтим ҳисобга олинadими?

? Шу йил май ойида пенсия ёшига етаман. 1986 йил сентябрдан 1996 йил майгача Тожикистонда ишлаганман. Шу йилларнинг қайси бири пенсия учун ҳисобга олинади?

Кашаров.
Тошкент ш.

— Ишлаган йилларингиз, хусусан, 1986 йил сентябрдан 1992 йил мартгача Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги битим (Москва, 13.03.1992 йил) асосида ҳисобга олинади. Унга мувофиқ, ушбу Битимга аъзо давлатлар (шу жумладан Ўзбекистон ва Тожикистон) фуқаролари ва улар оила аъзоларининг пенсия таъминоти улар ҳудудида яшаётган давлат қонунчилиги бўйича амалга оширилади (Битимнинг 1-моддаси). Бунда ушбу давлатлардан исталганининг ҳудудида, шунингдек собиқ Иттифоқ ҳудудида эга бўлган иш стажы мазкур Битим кучга киргунча, **яъни 1992 йил 13 мартгача** бўлган вақт учун ҳисобга олинади (Битимнинг 6-моддаси).



Кейингиси (сизнинг ҳолатда — 1992 йилдан кейин то 1996 йил майгача ишлаган давр) Қонуннинг 40-моддаси билан тартибга соли-

нади, унга кўра чет элда ишлаган даврлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган **суғурта бадаллари тўланган** тақдирда меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахслар бошқа давлатда ишлаган ҳар бир ойи учун Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлашлари мумкин (Низом, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-илова).

Улар пенсия билан таъминланиш миқдоридан келиб чиқиб суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда, бироқ **ҳар ой учун** уларни тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган **ЭКИХнинг 1 баробари-дан кам бўлмаган миқдорда** белгилашлари мумкин.

Маълумот учун!

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо **ДАВЛАТЛАР** бир-бирларини ўз давлатларида амал қилаётган **ПЕНСИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ**, ундаги кейинги ўзгартаришлар тўғрисида **ХАБАРДОР ҚИЛИШЛАРИ ШАРТ**. Пенсияга бўлган **ҲУҚУҚ** белгиланишига ва унинг миқдорига таъсир кўрсатувчи ҳолатларни аниқlash учун зарур чора-тадбирларни **ҚУРИШЛАРИ** керак.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Ишловчилар тоифасига киради

? Оилавий корхонанинг 3 нафар иштирокчиси (муассиси) бор: ота (пенсионер), она (пенсионер), ўғил. Битта ходим – оилавий корхона раҳбари (ўғил). Ота-она оилавий корхона билан меҳнат муносабатларида эмас, улардан бири мол-мулкни устав фондига киритган. Барча иштирокчиларга фойдадан дивидендлар ҳисобланади. Уставга кўра оилавий корхона иштирокчилари ҳисобланган, бироқ у билан меҳнат муносабатларида бўлмаган пенсионерларнинг пенсиясидан 50% ушлаб қолинадими?

Э.Мирқамолов.

Тошкент ш.

– Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг **шахсий меҳнатига** асосланади («Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси 1-қисми). Оилавий корхона иштирокчиларининг шахсий меҳнати амалга ошириш шартлари улар ўртасидаги келишувга кўра белгиланади. Уларнинг меҳнат ҳақи тарафларнинг келишувига кўра, лекин қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлмаган миқдорда белгиланади (Қонуннинг 21-моддаси 2-қисми). Оилавий корхона иштирокчилари унинг устав фондига таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда ўзлари киритадиган мол-мулкни мустақил равишда белгилайди (Қонуннинг 11-моддаси).



Баён этилганлардан кўринганидек, корхона устав фондини шакллантиришда иштирок этган оилавий корхона иштирокчилари меҳнат фаолиятини амалга оширадилар. Шу сабабли **иштирокчи пенсионерлар ишловчилар тоифасига киритилади ва уларга нисбатан ишловчи пенсионерлар учун пенсия тўлаш шартлари қўлланади.**

Оилавий тадбиркорлик унинг иштирокчилари ихтиёрига асосланиши ҳисобга олинса, улар корхона таркибига кириш (ундан чиқиш) ҳуқуқига эгалар.

Бу ҳолда оилавий корхонани давлат томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди. Фақат таъсис шартномасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлади.

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия апаратининг пенсияларни тайинлаш услубияти бўлими бошлиғи.

Барча турдаги пенсиялар учун тартиб

? Ёшим 56 да. Соғлиғим ҳолатига кўра ишдан кетишга мажбурман. Ҳозир узоқ даволанишим ва ногиронликни расмийлаштиришим керак.

54 ёшдан пенсияни расмийлаштиришга ҳужжатларни тўплай бошлаганимда стажимнинг бир қисmini (умумий стаж – 25 йил) архив маълумотномалари билан (7 йилдан ортиқ) тасдиқлаб бўлмаслиги маълум бўлди.

Ногиронлик пенсияси тайинланиши учун қандай стаж бўлиши зарур? Тасдиқланган 18 йиллик стажга эга бўлган ҳолда ногиронлик пенсиясини расмийлаштира оламими? Бунда у қандай ҳисобланади?

Татьяна А.

Тошкент ш.

– Фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юриштиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сўғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у **суғурта бадаллари тўлаган бўлса**, иш стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 37-моддаси).

Меҳнат дафтарчасида зарур ёзувлар бўлмаган ёки меҳнат фаолияти даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлган ҳолларда, иш стажини тасдиқлаш учун (банд шахснинг иш стажидан ташқари) маълумот-

номалар, буйруқлардан кўчирмалар, шахсий ҳисобварақлари ва иш ҳақи бериш учун ведомостлар, меҳнат шартномалари (контрактлар), архив маълумотномалари ва меҳнат фаолияти даврлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади.

Иш стажы тўғрисида ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат фаолияти даврлари суднинг қарори билан белгиланади (Низом, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – 252-сон Низом).

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Стажни тасдиқлашнинг кўрсатилган тартиби Қонун асосида тайинланадиган барча турдаги пенсияларга, шу жумладан **ногиронлик пенсиясига ҳам тааллуқлидир.**

Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, ногиронлик пенсиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда

I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланади.

Ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар ёшга қараб талаб этиладиган стаж бўлган тақдирда тайинланади.

Ёш	Иш стаж (йилларда)
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

Пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаган умумий касаллик туфайли I ва II гуруҳ ногиронларига (Қонуннинг 17-моддаси) ногиронлик пенсияси бор стажга мутоносиб миқдорда тайинланади (Қонуннинг 29-моддаси).

Шунингдек ногиронлик пенсиялари:

- пенсиянинг таянч миқдори;
- иш стаж учун пенсиянинг оширилиши;
- пенсияга устама ҳақлардан ҳам таркиб топади.

I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияларининг

таянч миқдорлари – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55%, лекин ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 100% миқдориди белгиланади (Қонуннинг 26-моддаси).

Пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ногиронлик пенсияларининг таянч миқдорлари пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1% миқдориди оширилади (Қонуннинг 27-моддаси).

Абдурашид Исмоилов,

Тошкент шаҳар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Бошқармасининг пенсия ва нафақаларни тайинлашни таҳлил ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи.

АКТ амалда

Пенсия жамғармаси хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси «SMS-Pensiya»* янги интерактив хизматини ишга туширди.

Пенсионерлар ва ижтимоий нафақалар олувчилар эндиликда тўловлар билан боғлиқ барча хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотни СМС-хабарлар орқали билиб олишлари мумкин. Масалан, пенсия миқдорлари ошганлиги, Пенсия жамғармаси бўлимига бориш зарурати тўғрисида ва ҳатто Пенсия жамғармаси раҳбарияти билан очиқ мажлислар ўтказилиши ҳақида хабар оладилар.

Ушбу хизматдан фойдаланиш учун уяли алоқа телефонида шахсий счёти рақамини бириктириб олиш зарур.

Буни Пенсия жамғармаси бўлимида ёки **10711** рақамига шахсий счёти рақами, рўйхатга олиш белгиси рақамини жўнатиб ва хабарларни қайси тилда олмақчи эканлигини кўрсатиб, мустақил равишда амалга ошириш мумкин. Барча маълумотлар «юлдузча» қўйиб киритилади, сатр охирига «катакча» белгиси қўйилади.

МИСОЛ. *шахсий счёти рақами*1*uz# ёки ru# – *70000007*ru#. Агар тил кўрсатилмаган бўлса, ахборот ўз-ўзидан давлат тилида берилади.

Нотўғри терилганда (счёти рақами нотўғри бўлганда,

*Президентнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарори (18.02.2015 йилдаги ПҚ-2302-сон); ВМнинг 1.03.2016 йилдаги 165-Ф-сон фармойиши.

символлар кўрсатилмаганда ва ҳ.к.) уяли алоқа телефони хатога йўл қўйилгани ҳақида хабар жўнатилади. Бу ҳолда уринишни такрорлаш ёки Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилиш керак.

Битта телефон рақамига бир нечта, бироқ 5 тадан ортиқ бўлмаган счётни бириктириш мумкин. Битта шахсий счётта бир нечта телефонни бириктириб бўлмайди.

Агар муайян сабабларга кўра пенсионер СМС-хабарлар олишини қайта рўйхатдан ўтказиш зарур бўлиб қолса, бунинг учун яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлими

га ариза билан мурожаат қилиш лозим. Ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши мажбурий.

Хабарларни нафақат автоматик режимда, балки индивидуал сўровнома бўйича ҳам олиш мумкин. Кейинги ҳолатда махсус кодлардан фойдаланилади, улар ҳақида pfu.uz сайтидан билиб олиш мумкин («SMS-Pensiya» интерактив хизматини тақдим этиш регламентига 2-илова).

Тизим ўтган, бироқ 3 ойдан ошмайдиган вақт учун тўловлар ҳақида ҳам билиб олиш имконини беради. Бунинг учун «шахсий счёт рақами» сўровнома коди ўтган давр# (*7000000*61*112016#) терилади.

Фойдаланувчи хизматни рад этиши мумкин. 10711 рақамига «шахсий счёт рақами» 0# (*7000000*0#) жўнатишининг ўзи кифоя.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ташкилий кўмаги, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг молиявий кўмаги, шунингдек «Mobi Tel Inform» МЧЖ контент-провайдерининг ташкилий-техник кўмаги туфайли интерактив хизматни жорий этишга эришилди.

Хизмат белул.

SMS-Pensiya
Интерактив хизмат

БУ ЖУДА ОДДИЙ!

1. Хизматни билиш бўлими учун (вақтинчалик) **ШАХСИЙ ХАСОС РАҚАМНИНГ** (СНХР) рақамини тўғридан-тўғри ёзиб олинг.

2. Мобил алоқа асосидаги тўғри қўриқча ёзиб, рақам ва булардан иборат SMS-урини тўғри.

*ШХР*1*UZ# ёки *ШХР*1#

SMS-сўровнома

3. Шу SMS-сўровнома кўрсаткичи ёзиб, рақамни олинг.

4. Катта рақамли телефонлардан SMS-хабарларни олиш учун.

10711

Хизмат белул

Билиб қўйган яхши

Зарарланган зонада

Чернобыль ҳалокати оқибатида зиён кўрган фуқаролар тоифасига кирувчи шахслар.

1. Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек, Чернобыль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолганлардан:

а) Чернобыль АЭСда ишлаган ёки ҳалокат натижасида зарарланган зонада ҳалокат оқибатларини тугатиш ишларида иштирок этган (шу жумладан, вақтинча ишга юборилган ёки хизмат сафарига жўнатилган) шахслар;

б) махсус йиғинларга қақирилган ва ҳалокат оқибатларини тугатиш билан боғлиқ зарарланган зонадаги

ишларни бажаришга жалб этилган ҳарбий хизматчилар* ва ҳарбий мажбуриятли шахслар.

2. 1986–1987 йилларда Чернобыль ҳалокати оқибатларини тугатиш бўйича зарарланган зонада ишлаган ёки шу йиллар давомида АЭСдан фойдаланиш ва бошқа юмушларни бажарган (шу жумладан, вақтинча ишга юборилган ёки хизмат сафарига жўнатилган) шахслар.

3. 1988–1989 йилларда Чернобыль ҳалокати оқибатларини тугатиш бўйича зарарланган зонада ишлаган ёки шу йиллар давомида АЭСдан фойдаланиш ва бошқа

юмушларни бажарган (шу жумладан, вақтинча ишга юборилган ёки хизмат сафарига жўнатилган) шахслар.

4. Жойлашиш ўрни ва бажараётган вазифасидан қатъи назар, махсус йиғинларга қақирилган ва ҳалокат оқибатларини тугатиш билан боғлиқ бу даврдаги ишларни бажаришга жалб қилинган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахслар, шунингдек, 2, 3-бандларда кўрсатилган зарарланган зонада хизмат вазифасини ўтаган ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий составидаги шахслар.

*Ушбу тоифага қўйидагилар кирди: собиқ Иттифок Қуролли Кучлари, собиқ Иттифок Давлат хавфсизлиги қўмитаси қўшинлари ва органлари, ички ва темир йўл қўшинлари ҳамда бошқа ҳарбий қўшинларда ҳақиқий муддатли хизматни ўтаётган офицерлар состави, прапорщиклар, мичманлар, белгиланган муддатни адо этиб яна ҳарбий хизматда қолган ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматчи аёллар, сержантлар ва оддий аскарлар состави (Олий Кенгаш Раёсати ва ВМинге 6.04.1992 йилдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Чернобыль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларга бериладиган ҳақ-қуқуқлар, пул компенсациялари ва имтиёзлар рўйхати).

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

P.S.

Ўзингизни текширинг

Сиз газетамизнинг қанчалик синчков ўқувчиси эканлигингизни текшириш вақти келди. Ҳатто бирор-бир нарсани эслай олмасангиз ҳам ташвиш чекманг. «Норма маслахатчи» газетасини очиб, ҳар доим билимларингизни янгилашингиз мумкин. Омад ёр бўлсин!

1. Уй бекаси кейинчалик пенсия олиши учун Пенсия жамгармасига сугурта бадаллари суммасини тўлаши мумкинми?

- а Ҳа, мумкин. Бунинг учун яшаш жойидаги солиқ инспекциясига мурожаат қилиш лозим.
- б Йўқ, мумкин эмас. Уй бекалари (ишламайдиган) иктиёрий асосда сугурта бадаллари тўлайдиган фуқаролар тоифасига кирмайди.
- в Мумкин, фақат унда камида 7 йиллик иш стажига бўлган ҳолда.

2. Пенсияни расмийлаштираётганда ФХДнинг никоҳдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этиш керакми?

- а Ҳа, агар никоҳдан ўтаётганда фамилияси ўзгарган бўлса.
- б Никоҳдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома нусхасини тақдим этиш лозим.
- в Йўқ, керак эмас. ФХДнинг маълумотномаси пенсия тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатида қайд этилмаган.

3. Пенсияни ҳисоблаётганда якуний мукофотлар иш ҳақиға қирадимиз?

- а Ҳа, қиради, чунки якуний (ой, чорак, ярим йил, йил учун) мукофотларни ҳисобга киритишнинг асосий шарти – сугурта бадалларини тўлаш.
- б Ушбу мукофотлар камида 5 ЭКИХни ташкил этган тақдирда қиради.
- в Йўқ, қирмайди.

Натижалар

Ҳар битта тўғри жавоб учун – 1 балл.

Сизнинг натижангиз:

6 балл – аъло натижа. Сиз пенсия таъминоти масалаларини жуда яхши биласиз.

3–5 балл – сиз, шубҳасиз, кўп нарсга биласиз. Бироқ тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун озгина билим етишмайди. «Норма маслахатчи»ни ўқиб боринг, шунда доим ҳуқуққа доир янгиликлардан хабардор бўласиз.

3 балл ва ундан кам – афсус, сиз жуда кам нарсга биласиз. Куч – билимда эканлигини унутманг. Айниқса у пенсия ёшида ҳалал бермайди. «Норма маслахатчи»ни мутолаа қилиб боришга ҳаракат қилинг, натижа бўлишини қафолатлаймиз.

Диққат! Ушбу саволларга батафсил жавоблар «Норма маслахатчи» газетасининг куйидаги сонларида эълон қилинган: 8.11.2016 йилдаги 45-сон; 13.12.2016 йилдаги 50-сон; 21.02.2017 йилдаги 8-сон.

Маъзуевий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.





Яна бир ташкилот ходимларини

пойтахтда прописка қилиши мумкин

Вазирлар Маҳкамасининг 5.04.2017 йилдаги 179-сон қарори билан Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига қўшимча киритилди.

Энди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти раҳбарлари ҳам ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлди.

Эслатиб ўтамыз, илгари 59 та идора ва йирик компаниялар киритилган мазкур Рўйхат Вазирлар Маҳкамасининг 7.10.2016 йилдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган.



Доимий пропискасиз вақтинчаси бўлмайди

2010 йилда Ангрен шаҳридаги доимий пропискадан маҳрум бўлдим, сабаби ўшанда Тошкент тиббиёт институтида ўқирдим, у ердагилар барча вилоятлик талабалар ётоқхоналарда пропискадан ўтган бўлиши кераклигини талаб қилишарди. Ушбу талаб ўз кучини йўқотганда ётоқхонадаги пропискадан чиқишга уриндим. Мени бир идорадан бошқасига юбориб сарсон қилганларида ҳаммасига қўл силтаб, ўқишда давом этдим. Биометрик паспорт олдим ва Ангрен шаҳрида доимий пропискани расмийлаштиришга қарор қилдим. Отам уйни хорижга кетган акамнинг номига ўтказиб берган. Усиз қандай қилиб уйда қайтадан пропискадан ўтишим мумкин? Акам пропискадан ўтишимга қарши эмаслиги қайд этилган тилхат жўнатиши мумкинми? Агар уни шу ерда нотариал тасдиқласак, ҳақиқий деб ҳисобланадими? Ёки Тошкент шаҳрида вақтинчалик пропискадан ўтишим мумкинми (дугонам ўзида вақтинча пропискадан ўтказишга тайёр)?

Дилором Ю.
Тошкент ш.

– Фуқаро яшаши мўлжалланаётган жойга доимий рўйхатдан ўтиши учун қуйидагиларни тақдим этади:
➢ белгиланган шаклдаги ариза;
➢ Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти;

➢ турар жой ҳужжатлари;
➢ давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция (Низом, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Акангиз масофадан туриб ўзига тегишли турар жой майдонида доимий рўйхатдан ўтишингизга рухсат беришга ҳақли эмас. У шахсан ҳозир бўлиши ва ёзма рухсатнома бериши шарт.

Агар биометрик паспортингизда Ангренда турган жойингиз бўйича вақтинча ва доимий пропискангиз ҳақида белги бўлмаса, Ангрен шаҳрида доимий пропискани расмийлаштириш учун ўз хонадонидан яшашга ва доимий пропискадан ўтказишга розилик бера оладиган исталган танишингиз билан келишиб олишингиз мумкин.

Ангрендаги доимий пропискангиз ҳақида паспортда паспорт берган жойининг белгиси бўлмаса, Тошкентдаги дугонангиз яшаш жойидаги милиция таянч пунктида профилактика инспекторининг ҳисобида туришга ҳақли бўлмайсиз (АВ томонидан 28.06.2016 йилда 2804-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Паспорт берган жойининг доимий ёки вақтинча прописка ҳақидаги белгисиз биометрик паспортдан фойдаланишингиз МЖТКнинг 223-моддасини бузиш ҳисобланади ва 3 ЭКИХ миқдоридаги жарима билан жазоланади.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma Online» эксперти.

Кичик бизнеснинг айрим субъектларига ходимлар сонини кўпайтиришга рухсат берилди

Вазирлар Маҳкамасининг 6.04.2017 йилдаги 184-сон қарори билан Кичик тадбиркорлик субъектларига қирадиган ташкилотлар таснифномасига (ВМнинг 24.08.2016 йилдаги 275-сон қарорига 1-илова) ўзгартишлар киритилди.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб бир қатор ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича кичик бизнес субъектлари ходимлари ўртача йиллик сонининг чекланган миқдори оширилди:

сунъий тоғалар ишлаб чиқариш (20.60.0*);
электрон деталлар ишлаб чиқариш (26.11.0);
электрон юклаш панелларини ишлаб чиқариш (26.12.0);
компьютерлар ва периферия жиҳозлари ишлаб чиқариш (26.20.0);
коммуникация жиҳозларини ишлаб чиқариш (26.30.0);
маиший электроника асбобларини ишлаб чиқариш (26.40.0);
электрон ёритиш жиҳозларини ишлаб чиқариш (27.40.0);
маиший электр асбобларни ишлаб чиқариш (27.51.0);

маиший нозлектрик асбобларни ишлаб чиқариш (27.52.0);

подшипниклар, шестернялар, тишли передача-лар ва узатмалар элементларини ишлаб чиқариш (28.15.0);

кўтарув-транспорт жиҳозларини ишлаб чиқариш (28.22.0);

саноат совуткич ва шамоллатиш жиҳозларини ишлаб чиқариш (28.25.0);

умумий мақсаддаги, ўзга тоифаларга киритилма-ган бошқа машина ва жиҳозларни ишлаб чиқариш (28.29.0);

кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш (28.30.0);

металлургия учун машина ва жиҳозлар ишлаб чи-қариш (28.91.0);

моторли транспорт воситаларини ишлаб чиқариш (29.10.0).

Юқорида санаб ўтилган кичик классларга мансуб кичик корхоналар ходимлари сони кўрсатилган сана-дан бошлаб ўрта ҳисобда 21 кишидан 200 кишига қадар бўлиши мумкин (илгари алоҳида фаолият турлари бўйича ушбу миқдор 21–50 кишини, бошқа фаолият турлари бўйича эса 21–100 кишини таш-кил этган).

Шу билан бирга тузатишлар иқтисодий фаолият-нинг бир қатор бошқа соҳаларига ҳам дахл этди. Чу-نونчи, микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг кўрсаткичлари янгиланди:

бошқа почта ва курьерлик фаолияти (53.20.0);
микрофирмалар учун – 1–20 киши;
кичик корхоналар учун – 21–50 киши;
касалхона ташкилотлари фаолияти (86.10.0);
микрофирмалар учун – 1–20 киши;
кичик корхоналар учун – 21–100 киши;
умумий врачлик амалиёти соҳасидаги фаолият (86.21.0);

микрофирмалар учун – 1–20 киши;
кичик корхоналар учун – 21–100 киши;
маҳсус врачлик амалиёти соҳасидаги фаолият (86.22.0);

микрофирмалар учун – 1–20 киши;
кичик корхоналар учун – 21–100 киши.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 январдан бошлаб бир қатор кичик қурилиш корхоналари 21 кишидан 200 кишига эга бўлишлари мумкин. Булар қуйида-гиларни амалга оширадиган субъектлардир:

турар жой бинолари қурилиши (41.20.1*);
нотурар жой бинолари қурилиши (41.20.2);
йўл ва шосселар қурилиши (42.11.0);
темир йўллар ва метро линиялари қурилиши (42.12.0);
кўприк ва тунеллар қурилиши (42.13.0).

*Қавсларда амалдаги Кичик тадбиркорлик субъектларига қирадиган ташкилотлар таснифномасига биноан кичик класслар кўрсатилган.

Самир Латипов, Олег Заманов, Сардор Жумашов, «Norma Online» экспертлари.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 18 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2791,91	1 Малайзия ринггити	835,54
1 Англия фунт		1 Польша злотийси	921,47
1 стерлинги	4612,23	1 СДР	4997,37
1 Дания кронаси	525,21	1 Туркия лираси	1011,66
1 БАА дирхами	1001,71	1 Швейцария франки	3661,68
1 АҚШ доллари	3678,89	1 ЕВРО	3901,63
1 Миср фунти	202,81	10 Жанубий Корея вони	32,38
1 Исландия кронаси	33,08	10 Япония иенаси	339,66
1 Канада доллари	2766,09	1 Россия рубли	65,35
1 Хитой юани	534,14	1 Украина гривнаси	137,21

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбекистондаги қўлашмасини тақдим этамыз

Тошкент ша. Миробод тумани, Таллимаржон кўча. 1/1.
Тел: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz; web: www.norma.uz

Меҳнат дафтарчаларидан фойдаланганлик ҳақида ҳисобот беринг

Ташкilotимиз олди-сотди шартномасига кўра бир нечта меҳнат дафтарчасини сотиб олди.

Сотиб олинган меҳнат дафтарчалари мақсадли ишлатилганлиги тўғрисида меҳнат органларига маълумот тақдим этиш талаби қанчалик тўғри?

Н.Мамажонов.

— Сотиб олинган меҳнат дафтарчалари мақсадли ишлатилганлиги тўғрисида меҳнат органларига маълумот (бундан кейин — Маълумот) тақдим этиш Меҳнат дафтарчаларини юришти тартиби тўғрисида йўриқноманинг (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 6.3-бандида назарда тутилган.

Маълумот меҳнат дафтарчалари, уларга қўшимча варақлар берилган (юритилган) ходимлар тўғрисида маълумотлар, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ реквизитлари кўрсатилган ҳолда эркин шаклда шартнома тузилганидан кейин 1 ойдан кечикмасдан берилади.

Меҳнат дафтарчаси аниқ ходимга берилганлиги далили сифатида меҳнат дафтарчасининг титул варағи ва ишга қабул қилинганлиги ёзилган варағи кўчирма нусхаларини илова қилиш тавсия этилади. Меҳнат дафтарчаларининг дубликатлари берилганлиги тўғрисидаги маълумотга — меҳнат дафтарчасининг титул

варағи кўчирма нусхасини илова қилинг.

Агар ташкilot келгуси эҳтиёжларини қўзлаб меҳнат дафтарчаларини сотиб олган бўлса, ойлик ҳисоботда тўлдирилмаган, сақлашда бўлган меҳнат дафтарчаларининг сонини ҳам кўрсатиш зарур.

Фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган меҳнат дафтарчаларининг бланкалари ҳақидаги маълумотларни ҳам ҳисобдан чиқариш далолатномаси ҳамда титул варақлари ва хатога йўл қўйилган варақларининг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда Маълумотга киритиш зарур.

Ишлаб чиқариш корхонасида баъзан ходимларни иш вақтидан ташқари ишга жалб қилиш зарурати юзага келади.

Меҳнат қонунчилиги иш кунининг белгиланган (8 соатлик) муддатидан ортиқ меҳнатдан фойдаланишга йўл қўядими? Бунда дам олиш ва пуллик компенсация варақлари қандай бўлади?

Р.Имомов.

— Ташкilotлар ва корхоналарда кўпинча ишлаб чиқариш зарурати кўра ходимларни ишдан ташқари вақтда белгиланган нормадан ортиқча у ёки бу мажбуриятларни бажаришга жалб қилиш ҳолатлари юзага келади.

Меҳнат кодексига иш бе-

рувчининг фармойиши бўйича ходимларни:

— иш вақтидан ташқари (МКнинг 124, 125-моддалари);

— дам олиш ва байрам кунларида (МКнинг 130, 132-моддалари) ишга жалб қилиш мумкинлиги ва тартиби назарда тутилган.

Иш вақтидан ташқари иш

Ходимни иш вақтидан ташқари ишга жалб қилишни тўғри расмийлаштириш учун МКнинг 2 та мажбурий талабини бажариш зарур:

1) ташаббус иш берувчидан чиқиши керак;

2) иш вақтидан ташқари ишга ходимнинг розилиги зарур.

Ходим ишни ўз ташаббусига кўра бажарса, у иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланмайди.

Иш сменасининг муддати 12 соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шароити

ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига 2 кун давомида 4 соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда — 1 кунда 2 соатдан) ва йилига 120 соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши шарт.

Дам олиш ва байрам кунларидаги иш

Умумий қоидага кўра дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина МКнинг қуйи-

даги талабларини бажарганда йўл қўйилади (МКнинг 130, 132-моддалари):

1) жамоа шартномасида ходимларни бундай кунларда ишга жалб қилиш имконияти ва тартиби назарда тутилган

Нормадан ортиқ иш

бўлиши керак, агар у тузилмаган бўлса, бундай ҳолатлар касба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади;

2) ташаббус иш берувчидан чиқиши керак;

3) дам олиш ва байрам кунларидаги ишга ходимнинг розилиги зарур.

Ходимни иш вақтидан ташқари ишга ёхуд дам олиш ёки байрам кунларидаги ишга жалб қилиш учун иш берувчи иш турини бажариш таклифи билан ходимга ёзма мурожаат этиши, тўлов ва отгуллар бериш шартларини кўрсатиши тавсия қилинади, ходим эса ўз навбатида ўз розилигини ёзма равишда ифodalаши керак. Ходимнинг розилигини олибгина уни бундай ишга жалб қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш мумкин. Унда ишлаб чиқариш зарурати кўра ва унинг розилиги билан ишга жалб қилинаётганлиги кўрсатилади. Шунингдек иш санаси ва вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, отгуллар бериш шартларини кўрсатиш зарур.

Иш вақтидан ташқари ишга ва дам олиш кунларидаги ишга жалб қилиш қуйидаги чекловларга риоя этган ҳолда амалга оширилади:

1) ногиронларни бундай ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланма-



ган бўлса, йўл қўйилади (МКнинг 220-моддаси 5-қисми);

2) ҳомиладор аёлларни ва 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз жалб қилишга йўл қўйилмайди (МКнинг 228-моддаси);

3) 18 ёшга тўлмаган шахсларни жалб этиш тақиқланади (МКнинг 245-моддаси).

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа

шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан касба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш кунини (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш

соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш кунини берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади (МКнинг 157-моддаси).

Шунга эътибор қаратамизки, ходимларга иш вақтининг турлича муддати белгиланади, шу сабабли белгиланган нормадан ортиқ бажарилган иш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади.

Масалан, бир ходимга 8 соатлик иш кунини, бошқасига — 7 соатлик (зарарлиликка кўра), учинчисига — 4 соатлик (тўлиқсиз иш кунини) этиб белгиланган. Бинобарин, кўрсатилган ходимларнинг ҳар бири учун тегишлинча 8, 7 ёки 4 соатдан ортиқча иш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Байрамолди кунда корхонада байрамолди кун учун белгиланган режимдан (ходимларнинг барча тоифалари учун иш кунини камида 1 соатга қисқарттирилади) ортиқча иш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади.

Кўпчилик ханузгача ходимларга меъёрланмаган иш кунини белгилаш мумкин деб ҳисоблайди. Меҳнат кодексига бун-

дай турдаги иш вақти назарда тутилмаган, шу сабабли нормадан ташқари иш кунини қўллаш амалиёти қонуний эмас.

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович ҚУРБОНОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета ношир — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрилгани — 186, Қўғоз бичими — А3. Ҳажми — 2 болама табоқ. Базорда келишилган нарда.
Буортма 918. Адади 1 145. Газета 2017 йил 17 апрель соат 18.30 да топиширилади.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
отказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича — 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.